

Савдогарнинг яна бир гўзал одоби



08:45 / 18.01.2019 2434

Савдодан айниб қолган харидорга ёрдам бериш ҳам савдогарларнинг гўзал одобларидандир.

Баъзи ҳолатларда харидор бир нарсани сотиб олганидан кейин турли сабабларга кўра айниб қолади. Савдогарга савдо молини қайтариб бериб, пулини олишни истайди. Бундай ҳолатда мазкур харидорга ёрдам бериш савобли иш ҳисобланади.

Абу Ҳурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ким мусулмоннинг (савдодаги) қайтишини кечирса, Аллоҳ унинг қоқилишини кечиради», дедилар».

Абу Довуд ва Ибн Можа ривоят қилишган.

Бир одам ўзига керак бўлган нарсани сотиб олганидан сўнг ўша нарса ёқмай қолиб ёки унга ҳожати йўқлиги маълум бўлиб қолиб, қайтариб олиб келганида уни кечириб, қайтариб олган тожирнинг гуноҳини Аллоҳ таоло кечирар экан.

Кишилар ва уларнинг ҳолатлари турлича бўлади. Шу билан бирга, турли кутилмаган вазиятлар ҳам рўй бериб туради. Чунки одатда харидордан кўра тожирнинг имкониятлари кўп бўлади. Қайтариб олган нарсасини ўша заҳоти бошқа харидор сотиб олиши мумкин. Харидорнинг эса имкони оз, агар тожир қайтариб олмаса, моли зое бўлиши ҳам мумкин. Умуман олганда, тижорий ва бошқа молиявий, иқтисодий муомалаларда ўта кечиримли, сахий ва хушмуомалалик керак бўлади. Муслмонлик одоби шу. Дарҳақиқат, яхши муслмон тожир, яхши муслмон ходим ҳамдир. Ҳозирги кунимизда Индонезия, Малайзия, Фаластин, Сингапур ва бошқа томонларда юз миллионлаб муслмонлар яшамоқда. Уларнинг юртлари муслмон бўлишига асосан содиқ ва омонатли муслмон тожирлар сабаб бўлишган. Тижорат билан бориб, омонат билан муомала қилганларини кўриб, ерлик аҳоли бу фариштасифат одамлар қандай одамлар эканига қизиққанлар. Тожирлар эса ўзларида қай бир яхшилик бўлса, динлари – Исломдан экани, агар хоҳласа, ҳар ким ҳам шундай бўла олишини айтишган. Шунда уларнинг харидорлари ҳам муслмон бўлишган.

Яхши муслмон тожир Ислом дини ҳақида бошқаларда яхши таассурот қолдирганидек, муслмонча ном билан аталган ёмон одам Ислом ҳақида ўзгаларда ёмон таассурот қолдириши турган гап. Бу ҳақиқатни ҳар бир тожир англаб етмоғи лозим.

“Бозор ва унга боғлиқ масалалар” китобидан